

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АГРОНОМИЯДА ЗАМОНАВИЙ  
ИЛМИЙ ТАДҔИҚОТ УСЛУБЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОНОМИЯ**

(дехқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)  
йўналиши

**“АГРОНОМИЯДА ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил  
— апредидаги —-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида  
тайёрланди.**

**Тузувчилар:**      **М.Шодманов-** “Дехқончилик ва қишлоқ хўжалик  
мелиорацияси” кафедраси доценти  
**Ж.А.Ёқубов-** “Ўсимликшунослик” кафедраси ассистенти

**Тақризчи:**      **АН ХИ СУНГ-ЖАНУБИЙ** Корея КОРИА маркази директори,  
профессор

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Илмий Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-  
сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>9</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>14</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>54</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>67</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>70</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>72</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>75</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Агрономия” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўкув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда ишчи ўкув дастурда тингловчиларнинг «Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари» модули доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган.

«Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари» модулининг ишчи дастури қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг агротехник усулларини ва навларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни лойиҳалаштириш, тажрибаларни қўйиш, олиб бориш, уларнинг натижаларини умумлаштириш, статистик таҳлил қилиш ва энг яхши вариантларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш усуллари ҳамда йўлларини ўргатишни ўз ичига олади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари” модулининг мақсади ва вазифалари:**

- агрономияда долзарб муаммолар бўйича мавзу танлаш, экспериментларни лойиҳалаштириш, ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш, энг яхши агротехник усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича кўникма малакаларни таркиб топтириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- агрономия соҳасида илмий тадқиқот ишлари бўйича модулинг дидактик асосларини;
- агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари модулини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- илмий агрономия соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- илмий агрономия соҳасидаги фанларни ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- илмий агрономия модулини ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини **билиши керак**.
- агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари модулидан электрон ўқув материалларини яратা олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- агрономия йўналиши педагогларида илмий тадқиқот ишлари бўйича касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари фанини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш **кўникма ва малакаларини шакллантириш**;
- Агрономия соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича мавзуларни тўғри танлаш, экспериментларни лойиҳлаштириш, қўйиш, ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, статистик таҳлил этиш, хулоса қилиш, энг яхши агротехник усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

«Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари» курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда

тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологияларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Агрономияда ресурстежамкор технологиялар” ва “Ўсимликшуносликда инновацион технологиялар” ҳамда хорижий илфор давлатлар ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари фанини ривожлантиришнинг замонавий усуллари аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				жумладан		
			Жами	назарий	амалий машнупот	Кўчма машнупот			
1	Илмий агрономиянинг мақсади, вазифалари ва усуллари	4	4	2	2				
2	Дала тажрибасида варианtlарни жойлаштириш усуллари. Дала тажрибаларни режалаштириш, қўйиш ва ўтказиш техникаси	6	4	2	2			2	
3	Илмий агрономияда математик ва статистик таҳлил.	8	8	2	2	4			
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Илмий агрономиянинг мақсади, вазифалари ва усуллари**

Дунё мамлакатлари ва Ўзбекистондаги илмий тадқиқот ишларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари. Илмий агрономиянинг мақсади ва вазифалари. Илмий агрономияда замонавий инновацион услублар.

### **2-мавзу: Дала тажрибасида вариантларни жойлаштириш усуллари.**

#### **Дала тажрибаларни режалаштириш, қўйиш ва ўтказиш техникаси**

Дала тажрибасида вариантларни жойлаштириш усуллари. Экспериментни режалаштириш. Дала тажрибасини қўйиш ва ўтказишида инновацион услублар.

### **3-мавзу: Илмий агрономияда математик ва статистик таҳлил**

Математик статистиканинг аҳамияти. Ҳосилдорлик маълумотларини статистик баҳолаш. Энг кам фарқ мавжудлигини аниқлаш. Ўртачалар фарқи қийматини баҳолаш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Бир омилли тажрибаларда маълумотларни Б.А. Доспехов усулида дисперсион таҳлил қилиш.**

**Дарснинг мақсади.** Тингловчиларга бир омилли тажриба натижаларини Б.А.Доспехов усулида дисперсион таҳлил қилиш усуллари ўргатилади.

#### **Кўргазмали материал:** услубий кўлланма, тарқатма материаллар.

Қишлоқ хўжалиигига оид илмий тадқиқотларда тажриба натижаларига ишлов бериш ва статистик таҳлил қилишда нисбатан энг кенг тарқалган усул маълумотларга Б.А.Доспехов усулида ишлов беришдир. Маълумотларни Б.А.Доспехов усулида ишлов беришнинг кенг кўлланилишига асосий сабаб бу усулда ишончлилик даражаси юқори бўлади.

### **2-мавзу: Кўп йиллик экинларда дисперсион таҳлиллар**

Дарснинг мақсади: Тингловчиларга кўп йиллик экинлар билан олиб бориладиган тажрибаларда натижаларга дисперсион ишлов бериш ўргатилади.

#### **Кўргазмали материал:** услубий кўлланма, тарқатма материаллар.

Ўз жойини бир неча йил давомида ўзгартирмай кўп йиллик экинлар билан (кўп йиллик ўтлар, мевали дараҳтлар, резаворлар, узум ва бошқалар) билан боғлиқ тажрибаларда натижаларни дисперсион таҳлил қилишда асосий эътибор тадқиқот эксприментлари олиб борилган бутун тажриба давомидаги олинган натижалардан келиб чиққадиган хулосаларга қаратилади

### **3-мавзу. Кўп омилли тажрибаларда маълумотларни Доспехов усулида дисперсион ишлов бериш**

**Дарснинг мақсади.** Тингловчиларга кўп йиллик экинлар билан олиб

бориладиган тажрибаларда натижаларга дисперсион ишлов бериш ўргатилади.

**Кўргазмали материал:** услубий кўлланма, тарқатма материаллар, калкулятор, чизгич, қалам.

**1-мисол.** Тажрибада 4 та рендамизацион такрорланишларда олиб борилади.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

“Агрономияда замонавий илмий тадқиқот услублари” модули юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуидаги мезонлар орқали баҳоланади.

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс таҳлили	1.5 балл	Муаммоли вазиятни ечиш ва таҳлил қилиш
2	Мустақил иш	1.0 балл	Мустақил таълимни кўрсатилган тартибда ўз мавзусига мос равшда вақтида бажариш
	<b>Жами балл</b>	<b>2.5 балл</b>	

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна.**

**Фикр:** “Дала тажрибасида олинган маълумотларнинг аниқлик даражаси ва илмий қиймати кўп жихатдан маълум услубий талабларга риоя қилишга боғлиқ”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

#### **Тест**

- 1. Дала тажрибасида асосан учрайдиган хатолар нечтага бўлинади?
  - А. 3 га
  - В. 5 га
  - С. 6 га

#### **Қиёсий таҳлил**

- тажриба усулларини бир-биридан афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилинг?

#### **Тушунча таҳлили**

- Дала тажрибасига қўйиладиган талабларни изоҳланг.

#### **Амалий кўникма**

- Дала тажрибаси натижаларини математик анализ қилинг?

## **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Бир омилли тажрибалар		
Кўп омилли тажрибалар		
Тасодифий хато		
Мунтазам учрайдиган хато		
Кўпол хато		
Ягона фарқ тамойили		
Тажрибанинг типиклиги		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитиши ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигана ёзадилар.

**Намуна: Дала тажрибаларининг муддатига кўра солиштириш бўйича**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз

фикларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шархлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Вариантларни бир ярусда 4 тақрорланишда систематик усулда жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.					
4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.					
4.2.3.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.					
3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.3.4.1.2.					
3.4.1.2.1.2.1.2.3.4.3.4.1.2.3.4.					

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Илмий агрономиянинг мақсади, вазифалари ва усуллари

**Режа:**

1.1. Илмий агрономиянинг мақсади ва вазифалари

1.2. Илмий агрономиянинг усуллари. Лаборатория, вегетацион, лизиметрик ва вегетацион-дала тажрибалари.

1.3. Даала тажрибаси, унга қўйиладиган талаблар ва даала тажрибасининг турлари.

1.4. Даала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари, ер танлаш ва тажрибага тайёрлаш.

**Таянч иборалар:** вегетацион даала тажрибалари, Ураган форма, Гранстар, Которан, муайян хато, қўпол хато, лизиметрик, экспериментал, кузатишлар, Лаборатория услуби.

#### 1.1. Илмий агрономиянинг мақсади ва вазифалари

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Фанни ўқитишдан мақсад-қишлоқ хўжалик соҳасидаги экспериментларни лойихалаштириш, ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, энг яхши агротехник усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича назарий ва амалий билимлар бериш.

Фаннинг вазифаси – илмий-агрономиянинг усуллари, экспериментларни лойихалаштириш, қўйиш ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, хуласа қилиш, энг яхши агротехник усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлларини ўргатиш.

Илмий агрономия серқиррали фан. У қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил маҳсулдорлиги ва сифатини оширишнинг назарий асослари ва агротехник усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу вазифаларни бажаришда илмий билимларни доимий равишда кенгайтириб бориш, ўсимликларнинг янги шакл ва навларини чиқариш, уларни етиштиришнинг агротехник усулларини такомиллаштириш керак бўлади.

Илмий агрономия ўраганиладиган обьектларнинг ўзига хос томонлари билан боғлиқ ҳолда математика, химия, физика, биология каби фанларнинг

шунингдек, ўзининг маҳсус услубларидан фойдаланади. Илмий тадқиқотларниг асосий услубларига лаборатория, вегетацион, вегетацион-дала, лизиметрик ва дала тажрибалари киради. Буларнинг ичида асосийси дала тажрибаси ҳисобланади. Даля тажрибаси илмий тадқиқотларни якунлаб, янги усувларни, навларни миқдорий, сифат ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таққослаб, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш учун объектив асосларни кўрсатиб беради.

**Кузатишлар**-бу ҳодисалар ривожланишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини тадқиқотчи томонидан қайд қилиб бориш, хусусиятларни, белгиларни, ҳолатни ҳисобга олиш.

**Эксперимент, тажриба**-бунда тадқиқотчи ҳодисаларнинг моҳиятини, келиб чиқишини, сабабларини, предмет ва ҳодисаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини аниқлаш учун ҳодисаларни сұйний равишда яратади. Тадқиқотчи тажрибани қутишдан олдин уни фикран тассавур қилиши ва ўрганишга халақит берадиган омилларни бартараф этиши лозим.

Янги ўрганилаётган агротехник усул ёки нав тажриба варианти сифатида олинади. Экспериментда асосий вазифа тажриба вариантларнинг самарадорлигига баҳо бериш ҳисобланади. Тажриба вариантлари билан солишириш учун олинадиган вариант стандарт ёки назорат варианти дейилади. Тажриба ва стандарт вариантларининг йиғиндиси тажриба схемаси дейилади.

Вариантлар бир-биридан сифат ва миқдор бўйича фарқ қилиши мумкин. Сифат бўйича вариантлар: навлар, экинлар, экиш ва тупроққа ишлов бериш усувлари, ўтмишдошлар ва бошқалар. Миқдор бўйича вариантлар: экиш, суғориш, ўғитлаш меъёрлари, пестицидларнининг меъёри, ҳайдаш чуқурлиги ва бошқ.

Стандарт ва тажриба вариантларининг бир хил номдаги элементар бирлигининг сони такрорийлик деб аталади.

Қишлоқ хўжалик ва уларни экинлари тутган ўрни, аҳамияти, ўсимликлар дунёсидаги ўзгаришларни ўрганишда кўплаб ўзгаришлар киритилди. Бир қанча юз йиллик даволашда ўсимликунослик соҳасидаги олимлар ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириши маҳсулот сифатини ошириш усувларини ўрганишdir. Улар ёруғлик, тупроқни, сувни ва хароратни ўргандилар, шунингдек бу омилларни ўсимлик ҳосилдорлигига таъсирини қиёсий ўрганиб ташки омилларни ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига таъсирини монторингини олиб бордилар. Ўсимликларнинг генезисининг янада чуқур тушуниб етиш учун, ўсимликларни ўсиб ривожланиши, биологик маҳсулот тўплаши ва оротосинтез жараёнларини чуқур ўрганиш энгижобий самарали ҳисобланади. Ўсимлик заракунандаларини ва уларнинг биологик хусусиятларини илмий асосда ўрганиш бу омилларни салбий таъсирини камайтиришга олиб келди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Margaret J. McMahon; Anton M. Kofranek; Vincent e. Rubatzky “Plant science growth, development, and utilization of cultivated plants” – 2011 у (9-бет)

## **1.2. Илмий агрономиянинг усуллари. Лаборатория, вегетацион, лизиметрик ва вегетацион-дала тажрибалари.**

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, илмий тадқиқотларниг асосий услубларига лаборатория, вегетацион, вегетацион-дала, лизиметрик ва дала тажрибалари киради.

**Лаборатория услуги.** Бунда эксперимент лаборатория шароитида ўтказилиб ўрганилаётган объектга омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзаро таъсири аниқланади. Лаборатория тажрибалари маҳсус ёки оддий хоналарда, термостатларда, боксларда, климатик камераларда олиб борилади. Ёруғлик, ҳарорат, ҳаво намлиги ва бошқа омиллар тўлиқ назорат қилинади. Бунинг учун маҳсус лабораториялар мавжуд бўлиб уларда турли омилларнинг ўрганилаётган объектга таъсири аниқланади.



*1-расм. Лаборатория шароитида кузатиш*



*2-расм. Климатик камера<sup>2</sup>*

**Вегетацион тажрибаларнинг учта асосий тури фарқ қиласи:**

- 1) Қум культураси-муҳит сифатида қум олинади.
- 2) Сув культураси-муҳит сифатида сув олинади.

<sup>2</sup> Agro2b.ru

3) Тупроқ культураси-мухит сифатида тупроқ олинади.

Ўсимликнинг тури ва тажриба вазифасига қараб, турли катта-кичикликдаги - 1 кг дан 30 кг гача тупроқ ёки қум кетадиган идишлардан фойдаланилади. Ўсимликлар ана шу идишларда ўстирилади. Вегетацион идишлар махсус хоналарга ёки вегетацион майдончага жойлаширилади.

**Лизиметрик тажрибалар** махсус мосламалар - лизиметрларда амалга оширилади. Лизиметрларда тупроқ қатлами 20-25 см дан бир неча метргача бўлиши мумкин. Амалда 1 м қалинликдаги тупроқ қатламига эга бўлган лизиметрлар кўп ишлатилади. Лизиметрик тажрибалар табиий шароитда транспирация коэффициентини аниқлаш, озиқ моддаларнинг ҳаракатланиши ҳамда ювилиши, сув балансини белгилаш масалаларини аниқлаш учун қўлланилади. Лизиметрлар  $1\text{-}3 \text{ m}^3$  ҳажмли қилиб бетон ва ғиштдан қурилган ёки радиусини 10 дан 40-50 см гача қилиб металлдан ясалган бўлиши мумкин.

**Вегетацион-дала тажрибалари** тагсиз цилиндр ёки квадрат идишларда бевосита далада ўтказилади. Идишдаги тупроқ ён томонларидағи тупроқдан фақат 20-30 см чуқурликда ажратилган бўлиб қолган қисми дала тупроғи билан бевосита боғлиқ бўлади. Вегетацион дала тажрибалари ўғитларнинг самарадорлигини, тупроқнинг турли генетик горизонтларининг унумдорлигини баҳолашда фойдаланилади.



3-расм. Вегетацион-дала тажрибалари<sup>3</sup>



4-расм. Янги маккажухори навларни синаши участкаси<sup>4</sup>

**Дала тажрибалари усули.** Бу усул бевосита дала шароитида ўтказилади. Дала тажрибасининг асосий вазифаси – агротехник тадбирларни ва янги навларни минтақа нуқтаи назаридан ўрганиш.

### 1.3. Дала тажрибаси ва унга қўйиладиган талаблар. Дала тажрибасининг турлари

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва унга этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни фақат дала тажрибаси тўғри аниқлаб бера олади.

<sup>3</sup> [www.altniish.blogspot.com](http://www.altniish.blogspot.com)

<sup>4</sup> [www.igsha.ru](http://www.igsha.ru)

Дала тажрибасида олинган маълумотларнинг аниқлик даражаси ва илмий қиймати кўп жиҳатдан маълум услубий талабларга риоя қилишга боғлиқ бўлади. Улардан асосийлари қўйидагилардан иборат:

- 1) тажрибанинг типиклиги;
- 2) ягона фарқ тамоилига риоя қилиш;
- 3) тажрибани махсус ажратилган участкада олиб бориш;
- 4) ҳосилни ҳисобга олиш ва тажрибанинг аниқлиги.

**Тажрибанинг типиклиги:** тажриба ўтказилаётган майдоннинг тупроқ-иклим шароити шу тажриба натижалари тадбиқ қилинаётган хўжаликлар билан бир хил бўлиши керак.

**Ягона фарқ тамоилига риоя қилиши:** вариантлар бир-биридан фақат битта миқдорий ёки сифат кўрсаткичи билан фарқ қилиши керак. Қолган омиллар ҳамма вариантларда бир хил бўлиши керак.

**Тажрибани махсус ажратилган участкада олиб бории.** Тажриба майдонининг тарихи яхши ўрганилган, тупроғи текширилган ва унинг ҳамма қисмларида шароит бир хил бўлиши лозим.



5-расм. Махсус тажриба участкаси<sup>5</sup>

**Ҳосилни ҳисобга олиш ва тажрибанинг аниқлиги.** Тажриба вариантларига баҳо беришда ҳосил ва унинг сифати асосий объектив кўрсаткич ҳисобланади. Тажрибанинг ишонччилиги тажриба схемасини тўғри тузиш, майдонни танлаш ва тажрибани услубий жиҳатдан тўғри олиб боришга боғлиқ бўлади.

Дала тажрибасини олиб борётган кузатувчи кўпинча уч хил хатоликка дуч келиши мумкин.

1. Тасодифий хато.
2. Мунтазам учрайдиган хато.

<sup>5</sup> [www.igsha.ru](http://www.igsha.ru)

### 3. Қўп хато.

Кўп ҳолларда тажрибаларни олиб боришда тасодифан бирор камчиликка йўл қўйилиб, кузатиш натижасида эса бу тасодифий хатолик бўлиб шакланади.

Тасодифий йўл қўйилган хато кўп жиҳатдан вариантлар ва кузатишлар сонига боғлиқдир. Шунинг учун йўл қўйилган тасодифий хатоларни йўқотиш учун ва аниқлик даражасини ошириш учун кўрсаткичларнинг ўртачаси топилади. Мисол учун, вариант ёки қайтариқлар бўйича ҳосилдорлик маълумотлари қўшилиб, вариант ёки қайтариқлар сонига бўлиниб, ўртacha ҳосилдорлик топилади. Тасодифий хатоликларнинг миқдорини тажрибаларда камайтириш учун кузатишлар ва кузатилаётган ўсимликлар сонини ошириш керак.

Мунтазам хато доимӣ сабаблар таъсирида тажрибада ўлчанадиган қийматларни камайиши ёки кўпайишига олиб келади. Дала тажрибасида бу ҳолат кўпинча тупроқ унумдорлигининг маълум бир қонуният асосида ўзгариб бориши билан боғлиқ бўлади. Мунтазам хатоликнинг асосий хусусияти бир томонлама йўналтирилганлиги ҳисобланади. Улар тажриба натижаларини ошириб ёки камайтириб юборади.

Баъзида бўлсада тажрибаларда учраб турадиган қўпол хатолар одатда кузатувчининг билмаган ҳолда қўпол равишида бузишидан ёки услубиятни билмаслиги натижасида келиб чиқади. Билмасдан битта вариантга икки маротаба ўғит солиш, битта вариантдан олинган ҳосилни икки маротаба ҳисоблаб юбориш эвазига шундай хатоликка йўл қўйилиб, хатоликларни йўқотиш имкони бўлмайди. Шунинг учун дала тажрибасидан олинган маълумотларда мунтазам ва қўпол хатоликлар бўлмаган тақдирдагина математик баҳоланиб, асосли хулосалар қилинади.

### Дала тажрибасининг турлари.

Дала тажрибалари ўзининг олдига қўйилган мақсадига ва мазмунига қараб асосан икки гурухга бўлинади:

1. Агротехник.
2. Нав синаш.



6-расм. Нуҳат нав синаш участкаси<sup>6</sup>

Агротехник дала тажрибалирининг асосий мақсади ҳар хил факторларнинг ўсимликларнинг ҳаётига, шароитига ва уларни ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ҳамда ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари таъсирига аниқ баҳо бериш ҳисобланади. Ушбу гурухга кирадиган дала тажрибаларига тупроққа ишлов беришни, минерал ва органик ўғитларнинг меъёрини,

<sup>6</sup> www.gossort.com

бегона ўтларга, ҳашорат ва касалликларга қарши курашни ўрганиш кабилар киради.

Нав синаш бўйича дала тажрибаларида эса, бир хил шароитда ҳар хил навлар синаб кўрилади. Яратилган янги навлар шу минтаقا шароитида синалиб, шу шароит учун мос келадиган ҳамма агротехник тадбирлар ўрганилади.

*Агротехник мақсадда олиб борилаётган тажрибалар ўрганилаётган омилларнинг сонига қараб икки хил бўлади:*

1. Бир омилли (оддий)
2. Кўп омилли (мураккаб)

Дала тажрибасида ўсимликлар ҳаётига битта омилнинг таъсири ўрганиладиган бўлса, бу турдаги тажрибалар бир омилли тажрибалар ҳисобланади.

### **1-жадвал**

#### **Бир омилли тажриба**

- 1.Назорат, гербицидсиз
- 2.Которан, 1,2 кг/га(эталон)
- 3.Самурай, 1,0 л/га
- 4.Самурай, 1,5 л/га
- 5.Самурай, 2,0 л/га

### **2- жадвал**

#### **Тажриба схемаси**

Вариант рақами	Вариант	Гербицид меъёри
1.	Назорат, гербицидсиз	-
2.	Ураган форте, 500 г/л с.э	2,0
3.	Ураган форте, 500 г/л с.э	3,0
4.	Ураган форте, 500 г/л с.э	4 л/га
5.	Гранстар, 75 % к.э.	15 г/га
6	Ураган форте, 500 г/л с.э+Гранстар, 75 % к.э.	3,0 л/га + 15 г/га

#### **Кўп омилли тажрибалар.**

Дала тажрибасида ўсимликлар ҳаётига икки ёки ундан ортиқ омилнинг таъсири ўрганиладиган бўлса, бу турдаги тажрибаларни кўп омилли ёки мураккаб тажрибалар деб аталади.

### 3-жадвал

#### Тажрибатизими

Вариантлар	Ҳайдаш чуқурлиги	Гербицидлар номи	Гербицидларни күллаш мөъёри, л/га
1.	Оддий плугда 30 см, чуқурликда ҳайдаш	Назорат, гербицидсиз	-
2.		Стомп	2,0
3.		Самурай	1,0
4.		Самурай	1,5
5.		Самурай	2,0
6.		Зеллек супер	1,0
7.		Самурай +Зеллек супер	1,5+1,0
8.	Икки ярусли плугда 30 см чуқурликда ҳайдаш	Назорат, гербицидсиз	-
9.		Стомп	2,0
10.		Самурай	1,0
11.		Самурай	1,5
12.		Самурай	2,0
13.		Зеллек супер	1,0
14.		Самурай +Зеллек супер	1,5+1,0

### 4-жадвал

- |                           |  |
|---------------------------|--|
| 1. Стандарт               | (азотсиз)кўчат қалинлиги 100000 (туп) га |
| 2. N <sub>200</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 80000 (туп) га           |
| 3. N <sub>200</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 120000 (туп) га          |
| 4. N <sub>200</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 80000 (туп) га           |
| 5. N <sub>250</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 100000 (туп) га          |
| 6. N <sub>250</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 80000 (туп) га           |
| 7. N <sub>250</sub> кг/га | кўчат қалинлиги 120000 (туп) га          |

Дала тажрибалари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар хил схемаларда алоҳида пунктларда ўтказилса улар ягон тажрибалар дейилади. Агар бир мазмунга эга бўлган дала тажрибалари бир пайтнинг ўзида келишилган тизимда ва услубият асосида турли тупроқ-иклим минтақаларида олиб борилса улар оммавий тажрибалар ёки географик тажрибалар деб аталади.

Дала тажрибалари ўзининг бажарилиш мақсадига ҳамда давомийлигига

қараб асосан учга бўлинади:

1. Қисқа муддатли.
2. Кўп йиллик.
3. Узоқ муддатли.

Қисқа муддатли дала тажрибалари жуда кўп мақсадларда олиб борилади ва тажрибалар асосан 3-10 йилгача давом эттирилади.



Кўп йиллик дала тажрибалари эса бир ёки кўп омилли бўлиб, уларнинг давомийлиги 10 йилдан 50 йилгача давом этиши мумкин.

Узоқ муддатли дала тажрибаларига бир майдонда 50 йилдан ортиқ бажариладиган тажрибалар киради. Бу турдаги дала тажрибаларини олиб боришдан асосий мақсад, узоқ йиллар давомида ўзгариши мумкин бўлган омилларни: тупроқ унумдорлигини, минерал ўғитларнинг таъсирини ва қайта таъсирини ўрганиш мақсадида олиб борилади. Россия, Англия ва Голландияда алмашлаб экиш бўйича 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом эттириб келинаётган тажрибалар бор.

#### **1.4.Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари. Ер танлаш ва тажрибага тайёрлаш**

Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг асосий хусусиятларидан бири назорат қилиб бўлмайдиган ташки омилларнинг ҳар хиллиги ва кескин фарқланиши ҳисобланади. Мавсумийлик, дала тажрибасида маълумотларни секинлик билан олиш, метеорологик шароитларнинг йиллар бўйича кескин ўзгарувчанлиги, тупроқ унумдорлигининг ҳар хиллиги, тажриба обьекти – ўсимликларнинг ўзига хос мураккаблиги ишончли маълумотларни олишда катта қийинчиликлар туғдиради. Ана шу мураккаб ўзгарувчан табиий шароитлари билан дала тажрибаси бошқа экспериментлардан фарқ қиласи. Обҳавонинг ҳар хил келиши натижасида бир далада, ҳар йили бир хил агротехника қўллаб битта экиндан ҳар хил микдорда ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун кузатувчи обҳаво шароитининг қандай бўлишига катта эътибор бераб, олинган маълумотларни бир-бирига таққослаши зарур. Шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган дала тажрибаларида олинган маълумотларнинг аниқ бўлиши ва самарадорлиги юқори бўлган варианtlарнинг натижаларини ишлаб чиқаришга тавсия қилиш учун дала тажрибаси натижалари камида икки ёки уч йиллик бўлиши зарур. Назорат қилиб бўлмайдиган омилларни йиллар ва фасллар бўйича кузатилиб, сунгра тажриба натижалари бўйича хулоса қилиниши керак<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> M. Zargar, E.N. Pakina. METHODS OF STATISTICAL ANALYZES IN AGRONOMY Education and Methodical Complex. 2013 й. 5-7 бетлар



**7-расм. Тажриба майдонини блоклар бўйича тақсимлиниши**

### **Тажриба участкасининг тупроғига қўйиладиган талаблар**

Дала тажрибасининг тупроғи барча хусусиятлари билан шу тажриба натижалари тадбиқ қилинадиган туманларнинг тупроғига мос келиши керак. Бу биринчи талаб тажриба даласи тупроғининг типиклиги дейилади. Тажриба майдонининг ҳамма қисмида тупроқ қопламишининг бир хил бўлиши тажриба даласининг тупроғига қўйиладиган иккинчи талаб ҳисобланади. Буни абсолют талаб деб қарамаслик керак. Минтақа шароити ва тажриба мақсадидан келиб чиқкан ҳолда бу талаб маълум даражада ўзгариши мумкин. Лекин иложи борича, айниқса комплекс тупрокларда бир хил тупроқ шароитига эга бўлган майдонни танлаш лозим. Тажрибанинг мақсадидан қатъий назар тажриба даласининг тупроғи ҳамма ерда бир хил унумдорликка эга бўлиб, қиялик даражаси ва шўрланиш миқдори бир хил кўрсаткичга эга бўлгандағина тажрибадан олинган маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори бўлади.

Дала тажрибаларида олинган маълумотларни аниқлик даражаси қанчалик юқорилиги ёки тўғри-нотўғрилиги кўп жиҳатдан дала тажрибаси учун қандай майдон танлашга боғлиқдир. Кўп ҳолларда дала тажрибаларини бажаришда чалкашликларни, муаммоларни келтириб чиқарадигин омиллар мавжуд бўлиб, бу омилларни аниқ назорат қилиш имкониятига эга бўлинмайди. Тажриба майдони тупроғининг табиий унумдорлиги бир хил бўлмаслиги рельефнинг ҳар хиллиги ва ҳоказо омиллар шулар жумласидандир.

### **Тажриба майдонининг тарихи**

Хўжалик тарихи номаълум бўлган ер участкасига тажриба қўйиб бўлмайди. Охирги 3-4 йил мобайнида ушбу майдонда битта экин экилганлиги ва бир хил агротехник тадбирлар қўлланилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Айниқса тупроқ унумдорлигига кескин ва узоқ таъсир этадиган агротехник тадбирлар (ўғитлаш, дуккакли экинларни экиш ва бошқ.) бир хил бўлиши керак. Ноаниқ тарихга эга бўлган майдонда дала тажрибасини олиб бориш ва ундан олинган натижа ўз қийматига эга бўлмайди.

Агар имкони борича тадқиқотчи бир неча йил давомида бўлажак тажриба даласида бир хил агротехник тадбирлар ўтказилишини таъминласа мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг иложи бўлмаса ер участкасида бр хил экин ва бир хил агротехник тадбирлар қўлланилганлиги ҳақида ишончли маълумотлар тўплаши лозим.

Дала тажрибалари учун майдон кузда, яъни вегетация даврининг охирида танланса мақсадга мувофиқ бўлади. Кузда шу даланинг ташқи кўринишига, мавжуд ўсимликнинг ҳолатига қараб аниқ йўлланма олдиш мумкин. Бундан ташқари, минерал ўғитларнинг меъёрини, ичдан таъсир этувчи гербицидларни кузги шудгордан олдин солиш имконияти мавжуд бўлади. Агрокимёвий ва шўрланишга боғлиқ бўлган дала тажрибаларини қўйиш учун эса бир неча кун давомида тупроқлар анализ қилишни талаб этади. Кузда бўлса даланинг ва далада ўсиб турган ўсимликнинг ҳолати бўйича, майдоннинг табиий унумдорлиги бўйича бир хиллик даражасини ҳам аниқлаш мумкин.

### ***Тажриба майдонининг тупроғи ва рельфи***

Ер участкасининг релефига қўйиладиган талаблар тадқиқот ишининг мақсадига ва ўрганилаётган ўсимликка боғлиқ бўлади. Ер участкасининг рельфи тажриба натижаси жорий этиладиган туманларнинг рельфи билан бир хил бўлиши керак.

Кўпинча экинлар текис ва бир оз нишаби (100 м га 1-2,5 м) бўлган майдонларда этиштирилади. Суғориладиган ерларда нишаблик зарур. Нишаблик 0,005-0,01 бўлса тупроқ намланиши учун энг яхши шароит яратилади. Катта қияликда жойлашган ерларда тажриба вариантларининг сони камроқ бўлиши керак. Тажриба даласининг нишаблиги нивелир ёки кўз билан чамалаб аниқланади. Тажриба яхши текисланган далада ўтказилиши лозим.

### ***Ер участкасини ўрганиши ва тайёрлаш***

Тажриба даласи тупроғининг аниқ кўрсаткичларини билиш учун майдондан тупроқ кесмалари (разрез) ковланиб, тупроқнинг она жинсигача бўлган қатламларига тавсифнома (характеристика) бериб чиқилади. Бундан ташқари, ҳамма қатламлардан тупроқ намунаси олиниб, таркибидаги гумус, умумий, харакатчан ва алмашинувчан озиқ элементлари миқдори аниқлаб чиқилади. Шу билан бирга тупроқнинг аниқ типи ва сизот сувларининг чуқурлиги, тупроқнинг механик таркиби, гумусли қатлами ва ҳоказо кўрсаткичлар ҳам бир йўла аниқланса, кузатишлар натижасига янада аниқлик киритилади.

Тажриба майдони тупроғининг ҳамма ерида кўрсаткичларнинг бир хиллигига ишонч ҳосил қилиш учун майдон икки хил янада аниқроқ текшириш усууллари асосида кузатилади.


1. Бараварлаштирувчи экин экиш усули.
2. Текшириш экинини экиш усули.

Бараварлаштирувчи экин экиш усулида тажриба қўйиладиган майдон бир

йил давомида ҳамма майдонга бир хил экин қилиб, қўлланиладиган агротехник тадбирлар, минерал ўғитларнинг меъёрини белгилаш аниқ усуллар билан амалга оширилади. Бараварлаштирувчи экин экиш усулининг яна бир яхши томони шундан иборатки, тажриба учун керакли фон яратилади.

Текшириш экинини экиш усулида эса, тажриба майдонининг ҳамма жойига бир хил экин экилади ва майдон бир неча бўлакларга бўлиниб, (алоҳида бўлакларга ажратилиб), алоҳида бўлакларда ҳисоб (учет) ишлари олиб борилади. Лекин жуда кўп ҳолатларда, бу ҳисоб ишларидан олинган маълумотлар бир-бирига тўғри келмай қолади. Англияning Ротамстад тажриба марказида 50 йил давомида 2 та ўғитланмаган варианtlар сони олинган ҳосиллар солиштирилган. Бунда бирининг ҳосилдорлиги 100% деб олинган ҳосилдорлик шунга нисбатан солиштирилган. Шу ўтган 50 йил мобайнида иккинчи олинган ҳосилдорлик 90% дан 196% гача ўзгарган. Худди шундай ҳолат бошқа тажриба станцияларида ҳам қайд қилинган.

#### *8-расм. Текшириш экинини экиш усули.*



РАСМ. 1. Сули ҳосилини 510 та бўлакда ҳисобга олиш натижалари бўйича тупроқ унумдорлигини аниқлаш ва унга баҳо бериш (Тими裡ев номидаги қишлоқ хўжалиги академиясининг “Михайлова” экспериментал базаси участкаси)

#### **Фан дастурининг тузилиши.**

Ушбу фан университетнинг умумий илмий йўналишидаги модули сифатида ўқитилади. Бу мавзу тингловчига статистик жараёнларни принципларни тушунишга ва тажриба тузилишини фундаментал асосларини ўргатади.

Тингловчи фанни ўзлаштириш жараёнида тажриба қўйиш усуллари ва натижаларни юқори даражада статистик таҳлил қилиш дастурларидан фойдаланишни билим ва қўнималарни эгаллайди.

Ушбу фан бир қанча бўлимларни ўз ичига қамраб олади:

- Умумий статистик тушунчаларни эгаллаш ва уни илмий ишга тадбиқ этиш.
- Тажриба олиб боришнинг усуллари, уни режалаштириш, қўллай олиш,

маълумотларни олиш ва уни таҳлил қилиш.

- Тажриба натижаларни илмий журналларда, хисоботларда ва мақолаларда чоп этишни ўрганиш.

Ушбу фан лаборатория, лизиметрик, вегетацион, ва дала тажрибаларини режалаштириш, қўйиш, ўтказиш, олинган натижаларни математик таҳлил қилиш ва энг яхши вариантларни ишлаб чиаришга жорий этиш усулларини ўргатишда тавсия этилади.

### **Ўрганиш натижалари**

Фан кўйидаги Умумий Олий профессионал фуқароларнинг (ПС) тарбиялаш учун талаб доирасида Агрономия кадрларни тайёрлаш бўйича таълим стандартларга ҳисса қўшиши кутилмокда:

Интеллектуал қобилияларини такомиллаштириш ва маҳорат ва илмий салоҳиятини ривожлантириш;

Профессионал фаолият турли соҳаларда илмий-тадқиқот ишларининг янги усулларини ўрганиш қобилияти;

Фикрлашнинг самарали йўллари, илмий ахборотни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мақсадга эришиш учун туғри вазифа белгилаш қобилияти ва унга эришиш йўлларини танлаш;

Замонавий асбоб-ускуналар билан ишлаш қобилияти (дастурга мувофиқ);

Билим тарғиб тамойилларига амал қилиш қобилияти;

Ўсимлик етиштиришнинг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини таъминлаш қобилияти;

Жаҳон илм-фани замонавий ютуқларидан тадқиқот ишлари учун фойдаланиш;

Илмий тадқиқот қўллашдан мақсад, илмий-тадқиқот усуллари танлаш ва тажриба натижаларини таҳлил қилиш

Замонавий усуллар ёрдамида мустақил илмий-тадқиқот олиб бориш қобилияти ва таҳлил қилиш;

Илмий тадқиқот натижалари фойдаланиш учун амалий тавсиялар қилиш;

Якуний илмий натижалар тақдимоти, мақолалар, хисоботлар ва бошқа нашрлар қилиш маҳоратини.

### **Фан яқунлангач тингловчи:**

Статистика таҳлил қилиш бўйича умумий тушуниш ва уни илмий тадқиқотда қуллашни билади;

Тажриба қўйиш дизайн тушунади; тажрибаларни режалаштириш, уни ўтказиш режасини, олиб бориш, таҳлил қилишни билади;

Тажрибалар натижалари илмий журналларда ва техник хисоботларда

чоп этиш;

Тадқиқотларнинг натижаларини талқин қилишни билади;

МСТАТС билади ва маълумотларни таҳлили

МСТАТС фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

### **Назорат саволлари:**

1. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари?
2. Тажриба участкасининг тупроғига қандай талаблар қўйилади?
3. Тажриба участкасининг тарихини билиш нима учун зарур?
4. Тажриба участкасининг рельефи қандай рол ўйнайди?
5. Ер участкасини ўрганиш ва тайёрлашда нималар амалга оширилади?
6. Вегетацион тажрибаларда қўлланилаётган илғор усуллар.
7. Лизиметрик тажрибаларда қўлланилаётган илғор усуллар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. M. Zargar, E.N. Pakina. Methods of statistical analyzes in agronomy Education and Methodical Complex. 2013 й.
2. Е.Очилов, Т.Ураимов Дехқончиликда илмий изланиш асослари. “Тафаккур нашриёти”, Т.: 2013.

**2-мавзу: Дала тажрибасида вариантларни жойлаштириш усуллари.**  
**Дала тажрибаларни режалаштириш, қўйиш ва ўтказиш техникаси**

#### **Режа:**

- 2.1. Дала тажрибасида вариантларни жойлаштириш усуллари.
- 2.2. Экспериментни режалаштириш.
- 2.3. Дала тажрибасини қўйиш ва ўтказиш техникаси.
- 2.4. Вариантларни жойлаштириш усуллари.

**Таянч иборалар:** *вариант, реномизация, қайтариқ, стандарт, систематик, бир ярусли, кўп ярусли, лотин квадрати, икки ярусли, тарқоқ бўлаклар.*

#### **2.1. Дала тажрибасида вариантларни жойлаштириш усуллари**


Дала тажрибалари натижаларидан олинган маълумотларнинг Қиймати, кўп жиҳатдан тажриба майдонида такрорлаш ва такрорлашда эса вариантларни жойлаштиришда маълум Қонуниятлардан четга чиқмасликка боғлиқ бўлади. Тажриба майдонидаги озгина бўлсада унумдорликдаги фарқ ҳамма вариант ва қайтариқларга тенг тақсимланиши керак.

Дала тажрибаларида такрорлашлар асосан 2 хил усулда жойлаштирилади:


1. Ёнма-ён (бир чеккадан).
2. Тарқоқ ҳолда (даланинг ҳар хил жойида).

Агар тупроқ унумдорлиги бир хил бўлса, қайтариқлар даланинг бир четидан, яъни ёнма-ён жойлаштирилади (1-расм).

Дала тажрибалариға ҳамма такрорликни битта майдонга сиғдириш имконияти бўлсада ёки янгидан ўзлаштирилган, тупроқ унумдорлиги майдоннинг ҳамма жойида бир хил бўлмаган ҳолларда, такрорлар сочқин (ҳар жойда) ҳолда жойлаштирилади (1-расм). Ҳамма такрорликларни битта жойлаштириш имконияти бўлмаган ҳолда, ёнидаги даланинг кўрсаткичлари бир хил бўлган тақдирда ва такрорлар сони 4 тадан кўп бўлганда бирорта такрорни ёнидаги майдонга жойлаштириш ҳам мумкин. Ишлаб чиқариш шароитида эса, майда бўлакларда ўтказилган тажриба ва маълум Давстат томонидан натижаси ишлаб чиқаришга жорий этиш тавсия қилинган бўлсада, ҳар бир такрорлиги алоҳида майдонларга ҳам жойлаштирилиб назорат тажрибаси ўтказилади.



**9 – расм.** Қайтариқларни ёнма-ён жойлаштиши.



**10-расм.** Қайтариқларни даланинг ҳар жойида (тарқоқ ҳолда) жойлаштириши.

Бундан ташқари ишлаб чиқаришга тавсия этилган натижалар, қайтариқсиз ҳар хил тупроқ, иқлим шароитида ҳам синааб кўрилади. Майдонларнинг катта-кичиклигига, узун-қисқалигига ва шаклига қараб дала тажрибаларида қайтариқлар асосан уч хил усулда жойлаштирилади.

1. Бир яруслик (қаторлик).
2. Икки яруслик.

### 3. Кўп яруслик.

Тажриба майдони узунлиги қисқа бўлиб, эни кенг бўлса ва тупроқ унумдорлиги майдоннинг ҳамма ерида бир хил бўлса, қайтариқлар бир яруслик қилиб жойлаштирилади. Кўрсаткичлари бўйича тажриба мавзусига тўғри келган, майдоннинг узунлиги узун бўлиб, кенглиги эса кичик бўлган далаларда: қайтариқлар икки ёки ундан кўп қатор (ярус)лик қилиб жойлаштирилади. Такрорларни кўп ярусли қилиб жойлаштиришда тупроқка ҳар хил ишлов бериладиган бўлганда такрорларнинг қайтарилиши учун яруслар ўртасида маълум масофа ташлаб қўйилади. Бунданташқари, бир хил варианtlар бир қаторда туриб қолмаслиги керак. Биринчи ярудаги биринчи вариантга, кейинги ярудаги биринчидан бошқа вариант жойлаштирилиши керак. Кўп яруслик тажрибаларда, тажриба майдонининг узунлигига, қиялик даражасига ва тупроқ унумдорлигига катта аҳамият бериш керак.

Такрорлашларда варианtlар ҳам ўз навбатида маълум қонуният асосида қўйидаги усувларда жойлаштирилади:

1.Стандарт усули.

2.Систематик (тизимли) усули.

3.Рендамизация усули.

4. Лотин квадрати ва тўғри тўрт бурчак усули.

Варианtlарни маълум бир усуlda жойлаштиришдан мақсад, тажриба майдонидаги унумдорликдаги ва табиий шароитдаги бир оз бўлсада фарқи ҳамма варианtlарга teng тақсимланишини таъминлаш бўлиб, бунда тажриба натижасиларининг ишончлиги оширишга қаратилган.

*Варианtlарни такрорларда стандарт усуlda жойлаштириши.* Варианtlарни такрорларда стандарт ҳолатда жойлаштирилганда, дастлабки вариант, солишириладиган ёки стандарт вариант бўлиб ҳисобланади (3-расм ).

Тажрибада бегона ўтларга қарши кимёвий усул ўрганилаётган бўлса, солиширилаётган (назорат) варианtlарни чеккага қўйиши ҳам нотўғри бўлади.

St1	2	3	St1	2	3	St1	2	3	St1
-----	---	---	-----	---	---	-----	---	---	-----

**11-расм.** Варианtlарни стандарт усуlda жойлаштириш.

Солишириладиган вариант (St) сифатида бирор бир нав бўлиши мумкин. Варианtlарни бу усуlda жойлаштиришдан мақсад майдондаги табиий унумдорликнинг ўзгаришни йўқотиш мақсадида ва стандарт варианtlарга яқин бўлиб, таққослаш осон бўлади. Бу усулнинг бошқа жойлаштириш усулидан

фарқи шундан иборатки, ҳамма тақрорлардаги тажриба варианtlари ўзининг стандарт вариантига солиширилади. Агарда стандарт варианtlар ҳар бир тажриба вариантидан кейин жойлаштирилса, у ҳолда назорат вариант учун, стандарт ҳосилдорлик маълумоти иккаласи қўшилиб, иккига бўлинади ва ўртачаси аниқланади аниқланади. Шу кўрсатилган варианtlардаги ҳосилдорликлар қўшилади ва ёзилган сонларга бўлиб солишириши керак бўлган варианtnинг ҳосилдорлиги аниқланади. Стандарт усулида варианtlарни жойлаштириш одатда бир яруслик далада амалга ошириш. Бундан ташқари майда бўлакчалардаги дала тажриба натижасини юқори аниқликда аниқлаш максадида, стандарт варианtlар шахмат усулида, даланинг ҳамма ерига жойлаштирилади.

Бу ҳолатда, ҳамма ўрганилаётган варианtlар ёнидаги стандартлар билан солиширилади. Варианtlарнинг стандарт усулида жойлаштиришнинг бир неча хил камчиликлар мавжуд. Биринчидан, стандарт варианtdан олинган ёнидаги ўрганилаётган варианtdан олинган ҳосилдорликлар ўртасида ҳамма вақт ҳам коррелятив боғлиқлик бўлмайди.

Иккинчидан, стандарт варианtlар сонини кўплиги туфайли, ўрганилаётган ҳамма варианtlарни ҳам солишириш имконияти бўлмайди. Бундан ташқари тажриба жойлашган майдонининг 40-50% фақатгина стандарт вариант бўлганлиги учун катта майдон талаб қиласи. Шунинг учун варианtlарнинг ушбу жойлаштириш усули ҳозирда кўпинча селекцион ишларида кенг фойдаланилмоқда.

### ***Варианtlарни жойлаштиришнинг систематик усули***

Марказий Осиё Республикаларида асосан ҳамма илмий ишларда, дала тажрибаларининг варианtlари тақрорларда систематик усулда жойлаштирилади.

Варианtlарни тақрорларда тизимли усулда жойлаштиришда варианtlар тартиб рақамини ортиб бориши шаклида жойлаштирилади. Бунда ўрганилаётган ҳамма варианtlар, биринчи вариант билан солиширилади. Қолган тақрорликлардаги варианtlар, биринчи тақрорда жойлаштириш тартиби бўйича кетади. Дала тажрибада минерал ўғитларнинг, гербицидларнинг меъёри ўрганилаётган бўлса, у ҳолда, меъёрлар ҳам тартиб бўйича ортиб боради. Агарда дала тажрибада азотнинг 50, 100, 150, 200 кг гача йиллик меъёри ўрганилаётган бўлса, у ҳолда меъёр тартиб билан ортиб борса ва қолган тақрорларда ҳам шу тартибда жойлашса мақсадга мувофиқ бўлади. Варианtlарни ушбу усулда жойлаштиришнинг қулай томони шундан иборатки, варианtlар бўйича тупроққа ишлов беришга, минерал ўғитларни солишга, экишга ва ҳосилни йигишишишга қулайлик яратади. Шу билан бирга кўп ҳолларда йўл қўйиладиган хатоликларнинг олдини олади.

1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

**12-расм.** Варианtlарни систематик усулда бир ярусли жойлаштириш.

1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
3	4	5	1	2	4	5	1	2	3

**5-расм.** Вариантларни систематик усулда 2 ярусли қилиб жойлаштириш

1	2	3	4
4	1	2	3
3	4	1	2
2	3	4	1

**13-расм.** Вариантларни систематик усулда 4 ярусли қилиб жойлаштириш

Такрорларни варианктарда тартиблик жойлаштириш асосан варианктар сони 8-10 тагача бўлганда амалга оширади. Вариантлар сони кўп бўлиб бир яруслик қилиб жойлаштирилганда ушбу усулни қўллаш эвазига хатоликлар миқдори ортишига олиб боради. Айниқса даланинг тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлганда, йўл қўйиладиган хатоликлар янада ортади. Ҳозирги кунда кўп дала тажрибаларида йўл қўйиладиган хатоликларни камайтириш мақсадида варианктарни тартибли жойлаштиришнинг шахмат усулида 2-3 ёки 4 ярусда олиб борилмоқда. Бу ҳолатда жойлаштирилганда бир хил бўлган варианктар яруслар бўйича бир-бирига тушиб қолмаслиги керак. Бунинг учун варианктар сонига қараб кейинги ярусдаги варианктар силжитилади. Агар 4 та вариант 2 та ярусга жойлаштирилганда варианктар кейинги ярусда 2 та вариантга силжийди. (4:2=2) Варианктарни тартиблик қилиб жойлаштиришнинг ёмон томони шундаки, йўл қўйиладиган хатолар ҳар сафар такрорланади, яъни бирорта вариант эса ёмон жойга тўғри келиши мумкин. Ҳамма вақт варианктарнинг жойлашиш навбати бир хил бўлганлиги учун ҳам, систематик ҳолатда бир хил хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Вариантларни рендомизация усулида жойлаштириш

Илмий агрономиянинг ривожланиши билан кўп хато ва камчиликлар аниқланди. Шу камчиликларни бартараф қиласидиган янги жойлаштириш усуллари яратила бошлади. Вариантларни тизимли жойлаштиришнинг соддалиги учун дастлаб кенг ривожланди, кейинчалик эса бошқа тасодифий усул билан жойлаштириш ривожлана бошлади.

Тасодифий жойлаштириш (рендомизация) усулининг қулай томони шундан иборатки, бошқа жойлаштириш (систематик, стандарт) усулларда йўл қўйиладиган камчиликлар ва хатоликлар миқдори камаяди.

Вариантларни бу усулда жойлаштириш учун мавжуд варианктар рақами сони ёзилган қофозлар тескари қилиб аралаштирилади ва биттадан олинади.

Тасодифий танлов бўйича рақамлари чиққан вариантлар навбат билан жойлаштирилади. Вариантларни тасодифий жойлаштириш усулини биринчи бўлиб 1930 йилларда Р.А.Фишер тажрибада синаб кўрган ва бу усулнинг учта асосий қулайлигини кўрсатиб берган:

- 1) тажриба майдонидаги табиий унумдорликдаги ҳар хилликни тўлиқлигicha эгаллайди ва ўз ичига олади;
- 2) ўрганилаётган бир неча омиллар учун кенг шароит яратади ва улар ўртасидаги кореллятив боғлиқликни йўқотади;
- 3) статистик таҳлиларнинг услубияти, тасодифий танлов тамойилига асосланади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таракқий этган мамлакатларда асосан вариантларни тасодифий жойлаштириш усулида дала тажрибаси олиб бориш кенг йўлга қўйилган.

Вариантларни тасодифий жойлаштиришнинг 5 хил усули мавжуд бўлиб, бўлар қўйидагилардан иборат.

Ташкиллаштирилмаган такрорлашлар (тўлиқ реномизация) усули.

Реномизацияланган такрорлашлар усули.

Лотин квадрати ва тўғри бурчак усули.

Тарқоқ бўлаклар усули.

Аралаштириш усули.

Вариантларни тўлиқ реномизация усулида жойлаштириш энг содда ва кенг тарқалган усуллардан бўлиб, бунда вариантлар алоҳида бир неча қисмга бирлаштирилади. Масалан, 4 вариантли тажриба қўйиш керак бўлса, ер участкаси 12 та бўлакка бўлинади ( $4 \times 4 = 16$ ) ва қуръада чиққан рақамлар бўйича вариантлар тасодифий равишда жойлаштирилади. Бу ҳолатда ҳам бўлакларда унумдорлик ҳисобига йўл қўйилган хатоликлар миқдори камаяди.

1	2	4	3
1	3	4	2
3	4	3	2
2	3	1	4

**14-расм.** Реномизацияланган такрорлашлар усулида вариантлар ҳар бир такрорлашда алоҳида қуръа бўйича жойлаштирилади.

Вариантларни тасодифий жойлаштиришнинг лотин квадрат усулида эса, тупроқнинг доимий равишда ўзгариб борадиган табиий унумдорлигининг ҳар хиллигидан келиб чиқадиган систематик ҳолда йўл қўйиладиган хатоликлар камаяди. Бунинг учун дала узунасига ва кўндалангига квадрат ёки тўғри бурчак шаклида бўлиб чиқлади. Қайсики, вариантлар сони бўлаклар сони билан тенг қабул қилинади. Вариантларни шундай жойлаштириш керакки, узунасига ва

кўндалангига бўлинган бўлакчаларда ҳамма вариантлар мавжуд бўлишини таминалаш лозим. Вариантларни квадрат усулида жойлаштирганда бўлаклар сони вариантлар сонига teng бўлиши керак, яъни бўлаклар сони вариантларнинг квадратига teng бўлади. Агар тажрибада 4 ta такрорлаш бўлса, вариантлар сони  $4 \times 4 = 16$  ta, агар 5 ta бўлса,  $6 \times 6 = 36$  ga tengbўлади. Бу усулда тажриба қўйилганда олинган маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори бўлади.

1	4	3	2
3	1	2	4
4	2	1	3
2	3	4	1

**15-расм.** Вариантларни тасодифий жойлаштириш.

6	4	1	3	5	2
1	5	4	6	2	3
4	2	6	5	3	1
3	1	5	2	4	6
2	6	3	4	1	5
5	3	2	1	6	4

**16-расм.** Вариантларни лотин квадрати усулида жойлаштириш.

Лотин тўғри бурчаги асосида вариантларни жойлаштиришда такрорлар сони лотин квадрати сингари кўп бўлмасдан меҳнатни камайтиради. Баъзи ҳолларда кўп вариантлик дала тажрибаларини ўтказишга тўғри келади. Бу ҳолларда, вариантлар алоҳида икки гуруҳларга бўлиниб жойлаштирилади. Шунинг учун бу усулда жойлаштиришни тарқоқ бўлаклар усули усулида жойлаштириш деб аталади. Вариантларни ушбу усулда жойлаштириш асосан бир йиллик ғалладон экинларида олиб борилади.

Вариантларни аралаштириш усулида жойлаштириш кўп вариантли тажрибаларда аниқликни ошириш имконини беради. Бу усулда такрорлашлар ичида маҳсус ташкиллаштирилган блоклар ажратилади. Блок ичида вариантларни таққослаш кўпроқ аниқликка эга бўлган натижаларни олиш имконини беради.

## 2.2. Экспериментни режалаштириши

Дала тажрибасидаги илмий тадқиқот ишлари 3 ta асосий босқичдан иборат:

- 1) режалаштириш;
- 2) дала тажрибаси, кузатув ва хисобга олишларни ўтказиш;
- 3) олинган маълумотларни ишлаш ва умулаштириш.

Режалаштириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий изланишлар вазифаси ва обектини аниклаш;
- тажриба схемасини ишлаб чиқиши;
- ер участкасини ва тажриба структурасини танлаш.

Эксперимент түғри режалаштирилса илмий тадқиқот ишларида кутилган ва ишончли натижалар олинади. Режалаштиришда йўл қўйилган ҳатолар кейинчалик тузатиб бўлмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин. Илмий ишни бошлашда қўйидагилар бажарилади:

- 1) мавзуни танлаш, вазифа ва тадқиқотлар объектини аниклаш;
- 2) масаланинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;
- 3) ишчи гипотезани олға суриш

4) тажриба схемаси ва услубиятни ишлаб чиқиши. Илмий тадқиқот ишининг бу қисми энг қийин ва маъсулиятли ўисобланади.

Илмий изланишларни мақсадини аниқ қилиб қўйиш лозим. Ўрганиладиган ҳодисаларнинг мантиқий моделини тузиш стратегиясини түғри танлаш илмий изланиш усуллари ва услубиятини аниклашиберади.

Кейинги босқич шу муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш ва ишчи гипотезани олға суриш. Шу асосида ишчи дастур тузилади. Ишчи дастурда мавзуни асослаш, тажриба схемаси услубияти, экспериментни ўтказиш, кузатиш ва ҳисобга олишлар техникаси кўрсатилади.

Тажриба схемаси ва услубиятини ишлаб чиқиши мураккаб ва масъулиятли босқич ҳисобланади. Бунда далада ёки лаборатория шароитида олиб бориладиган кузатувлар, тупроқ, ўсимликда қилинадиган анализлар режалаштирилди ва услубияти берилади<sup>8</sup>.

### ***Бир омилли тажрибаларни режалаштириши***

Бунда 2 та нарсага эътибор бериш керак бўлади. Бир омилли тажрибаларда варианtlар биринчидан сифат бўйича фарқ қиласи. Навларни экиш тупроққа ишлов бериш, экиш усуллари, ўтмишдошлар, ўғитлар ва пестицидларнинг шаклларини бир-бирига таққослаш ўрганилади.

Иккинчидан варианtlар миқдорий градациялар бўйича фарқ қиласи. Ўғитлар, пестицидлар, суғориш, экиш меъёрлари, ҳайдаш чуқурлиги ва бошқалар.

Бунда ягона фарқ тамойилини сақлаш керак бўлади. Ҳамма варианtlар битта фонга жойлаштирилди. Бир омилли тажрибаларни ўрганишда варианtlар бўйича олинган маълумот график тузиш имконини беради.

### **Тажриба схемаси**

#### **1. Ўғитсиз.(стандарт)**

- 2.-----N<sub>250</sub>+P<sub>170</sub>K<sub>60</sub>
- 3.-----N<sub>250</sub>+P<sub>170</sub>+K<sub>80</sub>
- 4.-----N<sub>250</sub>P<sub>170</sub>+K<sub>100</sub>
- 5.-----N<sub>250</sub>+P<sub>170</sub>+K<sub>120</sub>

<sup>8</sup> M. Zargar, E.N. Pakina. METHODS OF STATISTICAL ANALYZES IN AGRONOMY Education and Methodical Complex. 2013 й.9-14 бетлар

Вариантлар бир-биридан калийнинг солиши мейёри билан фарқ қиласди.


### ***Кўп омилли тажрибаларни режалаштириши***

Кўп омилли тажрибаларда ҳар хил факторларни ўрганиш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш имконияти сақлаб қолиниши керак. Бунда омиллик ёки факториаллик принципи сақлаб қолиниши ва тажрибада ўрганилаётган ҳамма омилни алоҳида баҳолаш имконини бериши лозим. Бу тажрибаларда стандарт варианлар сони ҳам иккита ва ундан ортиқ бўлади.

#### **Тажриба схемаси**

1. O
1. N
2. P
3. K
4. NP
5. NK
6. PK
7. NPK

Бу тажрибада 3 та ўғитнинг таъсири алоҳида вариантларда ўрганилади.



17 – расм. Буғдой ўсишига ва ривожланишига N ўғитнинг таъсири<sup>9</sup>



18 – расм Шолини ўсишига ва ривожланишига N ўғитнинг таъсири

<sup>9</sup> <http://www.agroplus-group.ru/>

## *Kўп йиллик стационар тажрибалар*

Бу тажрибаларда вақт асосий ҳисобга олинадиган принципиал янги момент бўлиб ҳисобланади. Бу тажрибалар алмашлаб экиш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш тизимларини қиёсий баҳолаш учун олиб борилади. Мевали дарахтлар ва бошқа кўп йиллик экинларда ҳам кўп йиллик тажрибалар олиб борилади.

Кўп йиллик тажрибаларни режалаштириш икки босқичда бажарилади: биринчи босқичда асосий тажриба схемаси, иккинчи босқичда эксперимертни вақт бўйича ва худудда ўтказиш услубияти ишлаб чиқилади. Кўп йиллик экспериментларнинг режалаштиришнинг биринчи босқичи қисқа муддатли тажрибаларнинг схемасини режалаштиришдан фарқ қилмайди. Кўп йиллик стационар тажрибалар бир омилли ва кўп омилли бўлиши мумкин. Бу тажрибаларнинг кейинги йилларга мўлжалланган схемаларини режалаштириш мураккаброқ бўлади.

### *Тажриба услубиятини режалаштириши*

Тажриба услубиятинитугри режалаштириш илмий тадқиқот ишларининг барча босқичларини муаффақиятли амалга ошириш учун замин яратади. Бунда муаммони ҳал қилиш бўйича мавзуни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тажриба мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ишчи дастур тузилади. Ишчи дастурда муаммонинг долзарблиги, уни ечиш бўйича янги усуллар ва шакллар ҳақида қисқача баён қилинади. Тажриба тизимини туғри тузишга катта эътибор бериш лозим, чунки у илмий тадқиқот ишларида қуйиладиган вазифаларни бажаришда асосий роль ўйнайди. Тажриба тизимидан келиб чиқсан ҳолда тажрибани жойлаштиришнинг схематик плани чизилади. Такрорлашлар, бўлаклар сони, ўлчами, ҳимоя қаторлари, ҳимоя полосаларининг ўлчами белгилаб олинади. Тажрибада олиб бориладиган барча агротехник тадбирлар, фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлиқда олиб бориладиган таҳлиллар режалаштирилади. Уларнинг услубияти берилади.

### *2.3. Дала тажрибасини қўйиши ва ўтказии техникаси*

Тажрибани қўйиши, ер участкасини такрорлаш ва вариантларга бўлиш. Ер участкасини ўрганишва унга тажриба қўйиши учун тайёргарлик шу жойнинг табиий-иқлим шароити тўғрисидаги маълумотларни аниқлашдан бошланади. Тажрибани жойлаштириш учун мўлжалланган жойнинг схематик чизмаси, схема бўйича унда такрорлашлар, пайкаллар, ҳимоя чегаралари ва қаторлари банд қилган ҳамма майдон аниқ кўрсатилиши зарур.

Тажриба тизимига кўра тажриба қўйиши, яъни айрим такрорлашлар ва пайкаларнинг умумий чегаралари ажратилади ҳамда ёзиб қўйилади. Барча такрорлашларда ҳамма пайкаллар бир хил узунликда ва кенгликда бўлиши ҳамда тўғри тўртбурчак шаклида жойлашиши шарт.

Далага чиқиш олдидан түғри бурчаклар ажратиш учун теодолит ёки эккер, тажриба чегараларини белгилаш учун 20 метрлик рулетка, чизимча, 1,5-2 м узунликдаги 5-10 та нишон қозық, 4-та түғри бурчакли устунча (репер) ҳамда пайкал чегараларини белгилаш учун эни 3-4 см ва бўйи 25-30 см ли тахта қозиқчалар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Қозиқчалар сони пайкаллар сонини икки ҳисса қўпайтирилганидан 10-12 дона ортиқ бўлиши керак.

Дала тажрибалари учун участкалар танлаш. Тажрибани қўйиш учун далаларни танлашда уларнинг тарихини билиш шарт. Бу далаларда камида охирги 3 йилда ҳар йили бир хил экин экилган, бир хил ишлов берилган ва ўғитлар бир хил меъёрда берилган бўлиши керак.

Даланинг баъзи қисмларида илгари бошқача хўжалик ишлари олиб борилган (ҳар хил меъёрда ўғитланган, ер текислаш ўтказилган, йўл ўтган, томорқа бўлган ва бошқалар) бўлса тажриба учун түғри келмайди. Шундай қилиб, дала тажрибаси учун танланган майдон унумдорлиги, рельефи, ҳосилдорлиги, ва бошқа кўрсаткичлари бўйича бир хил бўлиши керак. Унинг ўлчамлари дала ишларида техникани қўллашга мос бўлиши керак. Дала тажрибалари ўтказилиши учун уларнинг юзасининг текислиги яхши бўлиши керак. Бу талаб, айниқса суғориш билан боғлиқ бўлган изланишларда зарур.

Участкалар ўлчамлари ва қайтарилишлари тажриба натижаларининг аниқлигига катта таъсир кўрсатади. Далаларнинг ўлчамларини белгилашда механизациялашни қўллаш даражаси максимал бўлиши, яъни тракторларнинг далага кириб-чиқишига имконият бўлиши керак.

Тажрибада ҳисобий қаторлар сони камида 4 та бўлиши керак. Қаторлар сони 8-12 та бўлса чеккасидаги 2 та ёки 4 таси химоя қатори бўлиб ҳисобланади.

Такрорлашлар сони ва бўлакларнинг ўлчами, тажрибанинг мақсади, тупроқ шароити ҳамда тажрибани ўтказиш муддатларига қараб белгиланади. Кўп холларда дала тажрибалари 4 та такролашдаолиб борилади.

2. Дала тажрибасини ўтказишда олиб борилган ҳамма агротехник тадбирлар бир вақтда сифатли қилиб амалга оширилиши керак. Тажриба қайтариқларининг ярмигача минерал ўғит солиб, кейин ёмғир ёғиб қолиши ёки бошқа сабабларга кўра қолган варианtlарга бир кун ўтиб ўғит солинса, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига маълум дражада таъсир кўрсатади. Бунда минерал ўғит меъёри бир хил бўлишига қарамасдан варианtlар ўргасидаги натижаларда фарқ келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун далада бажарилаётган ҳамма ишлар бир хил муддатда ва бир хил усулда бажарилиши мақсадга мувофик.

Дала тажрибаларида бажариладиган ишларга қўйиладиган талаблардан яна бири - қисқа муддатлилик ҳисобланади. Бундан ташқари, тажриба майдонига солинаётган минерал ва органик ўғитларнинг бир текисда тақсимланишини ҳам назорат қилиниши зарур. Шу билан бирга қўлланилаётган органик ўғитларнинг таркиби ҳамма кўрсаткичлар бўйича бир хил бўлиши шарт.

Кузги шудгорни амалга оширишда дала яхши тозаланиб, экиш йўналишига перпендикуляр ҳолатда бажарилса мақсадга мувофик бўлади. Бу ҳолларда

шудгор вақтида пайдо бўлган жўяк ёки марзалар ҳамма варианларга тенг тақсимланади. Тупроққа ишлов беришнинг қолган турларида (экишгача ва экишдан кейинги) ҳам бажарилаётган жараёнлар бир хил муддатда бир хил чуқурликда амалга оширилиши керак.

Ҳамма қаторда экиш чуқурлигининг бир хиллиги экиш давомида доимий назоратда бўлиши шарт. Нав синаш тажрибаларида уруғ қўлда экилганда бир муддатда экилиши ва экилаётган уругнинг тушиш чуқурлигига катта аҳамият бериш керак. Акс ҳолда ҳар ҳил чуқурликка тушиб қолган уруғларнинг униб чиқиши ҳар ҳил бўлади. Дала тажрибасида ўрганилаётган омилнинг униб чиқишига таъсири ўрганилаётган бўлса, у ҳолда ҳар бир уяга тушаётган уруғлар сони ҳам бир ҳил бўлиши шарт.

#### ***Тажриба майдонида агротехник тадбирларни ўтказиш тартиби***

Дала тажрибаларида амалга ошириладиган ҳамма агротехник тадбирлар, ўсимликларни яхши ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил олишга қаратилган бўлиши зарур. Янги агротехник усулларини ўрганиш билан бир вақтда бу каби усул ва тадбирларнинг мўл ҳосил етиштиришга кўрсатадиган таъсиринигина эмас, балки ўсимликлар ҳаётининг турли даврларида, уларнинг авж олиб ўсишига кўрсатадиган таъсирини ҳам ўрганиш ва билиб олиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

#### ***2.4. Дала тажрибасида фенологик кузатишлар ва ҳисоблаш***

Ўсимликларни ҳар куни ёки ойда вегетация даврларида бўладиган ўзгаришларни кузатиб ва ҳисобга олиб бориш фенологик кузатишлар дейилади. Турли хилдаги ўсимликларда фенологик кузатувлар олиб бориш учун тегишли услубиятлар ишлаб чиқилган. Фенологик кузатувлар бутун вегетация даврида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш фазаларини қандай тарзда ўтганлигини тавсифлаш имконини бериши лозим. Айниқса, ҳосил элеменларининг пайдо бўлиши, тўкилиши ва тўпланиши ҳақидаги маълумотларнинг аниқ бўлиши таъминлаш лозим. Ўсимликлар устида ўтказиладиган ҳар қайси дала тажрибаси учун унинг характеристири ва ўтказиш шароитига қараб фенологик кузатиш ҳамда ҳисобот ишларининг режаси белгилаб чиқилади. Шу нарса муҳимки, ҳамма фурсатларда ҳам кузатиш, ҳисобот ишлари ҳамда бу ишни ўтказиш муддатлари маълум йўналишга эга бўлиши ва бу каби кузатишларнинг натижалари тажрибада ўрганилаётган агротехник усуллар ва янги навларнинг самарадорлик ҳамда маҳсулдорлик даражасини асослаб бериши учун хизмат қилиши керак.

Тажрибада ўрганилаётган омилларнинг бир-бирига таъсири ўтмаслиги учун варианлар орасида ҳимоя қаторлари ва полосалари ажратилади. Агар вариантда умумий қаторлар сони 8 та бўлса, у ҳолда, шу 8 та қаторнинг икки томонидаги 2 та дан қаторлар жами 4 қатор ҳимоя қаторлари сифатида ажратилади. Вариантнинг узунлиги 100 метр бўлиб, 4 қаторни қатор ораси 60 см. дан, жами 2,4 м бўланда ҳисобга олиш майдони( $100 \times 2,4=240$ )  $240 \text{ m}^2$  ни ташкил этади. Вариантнинг умумий майдони эса  $480 \text{ m}^2$  ( $100 \times 4,8=480 \text{ m}^2$ ) га тенг бўлади. Ҳисобга олиб бориш учун қанчалик ўсимлик кўпроқ олинса,

вегетация даврида ўсиш ва ривожланишига аниқроқ хулоса қилинади, аммо кўпчилик ҳолларда вариантлардаги ҳисобга олинадиган ўсимликка миқдори баъзи ташкилий сабабларга кўра, яъни техник ходимларнинг етишмаслиги, тажрибанинг кўплиги сабабли камроқ миқдорда ажратилади. Шунинг учун ҳисобот ва кузатиш ишларининг мураккаблиги ҳамда шу билан бирга бу ишни ўтказиш учун талаб қилинадиган вақт сарфининг кўп ёки камлигига қараб турли миқдорда ўсимлик ажратилади. Шу муносабат билан ҳар қайси вариантнинг ҳамма қайтариқ ва вариантларидан камида қуидаги миқдорда ўсимликлар ажратиб ўрганиш лозим.

- шоналаш, гуллаш, етилиш жадаллигини ва конуслар бўйича мева ҳосил қилишини ҳисобга олиб бориш учун 100 туп ўсимлик олинади;
- мева ҳосили бўлишини умумий ҳисоблаш учун 50-100 туп ўсимлик;
- ўсимликнинг асосий поя баландлигини ўлчаш, баргларини, ҳосил шохларини ҳисоблаш, гуллаш ва етилиш даражасини аниқлаш, ҳосил бўлган кўсаклар сонини ҳисоблаш ва бошқа бир қатор кузатишларни ўтказиш учун 25-100 тупдан ўсимлик ҳисоблаш қатордаги ўсимликлардан ажратилади ва ёрликлар билан белгилаб қўйилади;
- ғўза ниҳолларини санаш учун камда 100 та уя олинади.

Ҳосилни ҳисоб олиш катта эътибор ва эхтиёткорликни талаб қиласди. Ҳосилни ҳисобга олишда йўл қўйилган хато тажрибанинг қийматини пасайтириб юборади. Ҳосилни йиғишириб олишдан олдин бўлаклар, қозиклар ёки нишон қозиклар билан ажратилади, кўздан кечирилади. Зарурат бўлса, бўлакларнинг маълум бир қисми ҳисобга олишдан чиқарилади. Бу қисмida тасодифий жароҳатланиш ёки иш жараёнида йўл қўйилган хато оқибатида ишончли натижা олишга шубҳа бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда бутун бўлак ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Бутун бўлакни ҳисобдан чиқариб ташлашга қуидагилар асос бўлиши мумкин:

**а)** табиий оғатлар таъсирида ўсимликларнинг жароҳатланиши

**б)** ўсимликларни ҳайвонлар, қушлар, кемирувчилар томонидан тасодифий жароҳатланиши;

**в)** тажрибани қўйиш ва ўтказилганда йўл қўйилган хатолар.

Бўлакларнинг ҳисобга олиш майдонининг 50 % игача ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Бўлакнинг ҳисобга олишдан чиқариладиган қисми 50% дан ошса, бўлак бутунлай ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобдан чиқариш учун аниқ объектив сабаблар бўлиши керак. Кўз билан чамалаш асосида ҳисобдан чиқариш мумкин эмас.

Ҳосилни ҳисобга олишда аввал ҳимоя полосаларида ҳосил йиғишириб олинади. Ҳисобга олиш майдонида ҳосил ҳамма вариантларда битта муддатда иложи борича бир кунда йиғишириб олиниши керак. Буни иложи бўлмаса ҳосил бир кунда бутун маълум сондаги такрорлашларда йиғиширилиши керак.

Ҳосилни ҳисобга олишнинг икки хил усули мавжуд: биринчиси-ёппасига бўлакдан йиғиб олиш ва иккинчиси ҳисобга олиш ўсимликларидан йиғиб олиш.  
1) Ҳосилни ёппасига ҳисобга олиш усули кўпчилик ҳолларда дала тажрибасида қўлланилади ва унда натижалар аниқ бўлади. Ҳар қайси пайкалдаги барча ҳосил тарозида тортилади ва алоҳида ҳисобга олинади.

2) Ҳосилни боғ-боғ қилиб ҳисобга олиш ғалла экинлари, каноп ва ем-хашак ўсимликлари билан олиб бориладиган тажрибаларда қўлланилади.

Ҳисобга оид пайкалдаги ўсимлик ўрилади ёки юлинади, кейин ҳосилнинг ҳамма массасини дарҳол ёки бирмунча қуритилгандан кейин бевосита даланинг ўзида тарозида тортилади, ҳамда шу ернинг ўзида пайкалнинг 40-80 жойидан ҳар қайси пайкал ҳисобига 5-7 кг оғирликда иккита боғ намуна олиб, тарозида тортилади ҳамда доимий оғирликка етгунча қуритилади.

Шундан кейин ҳар қайси боғ намуна тортилади, янчилади. Пайкалдан олинган дон ҳосилини ҳисоблаш қўйидагича ҳисобланади:

$$100000 \times A$$

$$B ----- A \text{ кг} \quad X = ----- = \text{кг} = \text{ц/га}$$

$$10000 \text{ м}^2 ----- X \quad B$$

Бу ерда:

Б – бўлак майдони  $\text{м}^2$

А - бўлакдан олинган ҳосил, кг да

$10000 \text{ м}^2 1 \text{ га майдон}$

**Тажриба олиб бориш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар:**

1. Ўғит нотўғри ёки нотекис қўлланилиши. Тажриба майдонида агар тажриба ўғитга тегишли бўлмаган холатда ўлчанмасдан қўллаш мумкин. Аксарият холатларда ўғитлаш талаб даражасида амалга оширилмайди ва тупроққа ўғитни нотекис тушишига сабаб бўлади.

2. нотекис суғориш. Ўғит қўллашга ўхшаш нотўғри ёки нотекис, суғориш хатоси кенг тарқалган тажриба хатоларидан бири ҳисобланади. Тажриба даласининг паст жойларида сув кўпроқ тўпланади ва вақт узоқ вақт давомида сақланади. Бу ўсимликларга жиддий таъсир қилиши мумкин ва шундай қилиб, якуний тажриба натижага салбий таъсир кўрсатади.

3. Нотекис (ёки баъзан тугалланмаган) пестисид қўллаш. Бу муаммо одатда майдони охирги қисмда пестицидни тугатиш учун мойиллик туфайли келиб чиқиши мумкин, бунда даланинг охирги қисмида пестицид жуда кўп ёки кам сепилиши мумкин.

4. Тажрибанинг бир қисмида тугалланмаган жараён туфайли. Кўп учрайдиган ҳолатлардан бири ишчиларни уйга бориш учун вақти бўлганда майдоннинг бир қисмидаги бегона ўтлардан тозалаш ишлари тугалланмай

қолади. Бунинг натижасида бегона ўтлардан тозаланмаган ердаги ўсимликлар бегона ўтлар билан рақобатда ўсишга қийналади ва тажриба натижаларини хатолигига олиб келади. Ишчини далани тарк этишини олдини олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли тажрибанинг маъсул бажарувчиси белгиланган кунда бутун тажриба даласини бегона ўтдан тозалаш мумкин бўлишини эътиборга олиши лозим.

5. Сув манбай текшириш. Суғориш жараёнида сувни кераксиз ўғитлар ва химиқатлар билан заарланмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун тажриба даласига оқаётган сув манбанини қаердан келаётганлигини ва таркибини текшириш лозим<sup>10</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Вариантларни жойлаштиришнинг стандарт усули ҳақида гапиринг.
2. Вариантларни жойлаштиришнинг систематик усули ҳақида гапиринг.
3. Вариантларни жойлаштиришнинг реномизация (тасодифий) усули ҳақида гапиринг.
4. Вариантларни жойлаштиришнинг лотин квадрати ва тўғри тўртбурчак усули ҳақида гапиринг.
5. Экспериментни режалаштириш қайси босқичлардан иборат?.
6. Бир омилли тажрибаларни режалаштириш ҳақида гапиринг.
7. Кўп омилли тажрибаларни режалаштириш ҳақида гапиринг.
8. Кўп йиллик стационар тажрибалар қандай тартибда режалаштирилади?
9. Тажриба услубиятини режалаштиришда нималарга эътибор берилади?
10. Кузатиш ва ҳисобга олишларни режалаштириш ҳақида гапиринг.
11. Тажрибани қўйиш, ер учаткасини такрорлаш ва варинтларга бўлиш учун нималар керак бўлади?
12. Агротехникадбирларнинг рўйхати қандай тузилади.
13. Дала тажрибасида фенологик кузатишлар ва ҳисобга олиш қандай ўтказилади?
14. Ҳосил қандай усулларда ҳисобга олинади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. M. Zargar, E.N. Pakina. Methods of statistical analyzes in agronomy Education and Methodical Complex. 2013 й.
2. Е.Очилов, Е.Ураимов Дехқончиликда илмий изланиш асослари. “Тафаккур нашриёти”, Т.: 2013.

---

<sup>10</sup> M. Zargar, E.N. Pakina. Methods of statistical analyzes in agronomy education and methodical complex. 2013 й. 22 – 23 бетлар.)

### **3-мавзу: Илмий агрономияда математик ва статистик таҳлил**

#### **Режа:**

1. Математик статистиканинг аҳамияти.
2. Энг кам фарқ мавжудлигини аниқлаш. Ўртачалар фарки қийматини баҳолаш.
3. Маълумотлар ўртасидаги коррелятив ва регрессион боғланишлар.

**Таянч иборалар:** дисперсия, статистика, ўртача арифметик, вариант, эркинлик даражаси сони, стандарт, систематик, ўртача оғиш, статистик ишлов.

#### **3.1. Математик статистиканинг аҳамияти.**

Математик статистика бу математиканинг бир бўлимиdir. Бу тажрибадаги танланма қузатишлар йигиндисида юз бериши мумкин бўлган ходисалар устида мулоҳаза юритиш имкониятини беради. Кузатувчининг бош вазифаси мақсад сари йўналтирилган тўғри тажриба ўтказиш бўлса, математик статистика эса агрономик изланишни ўтказишда энг қулай шароит танлашда ёрдам беради ва тажрибадан олинган маълумотларга объектив баҳо беради.

Дала тажрибасидан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш амалиётида ҳар хил (Р.Фишер, В.А.Доспехов, В.Н.Перегудов, А.В.Соколов ва бошқалар) усуллардан фойдаланилади. Ҳозирги зомон агрономик илмий изланишда асосан В.А. Доспехов ва қисман А.В.Соколов усуллари қўлланилади. Куйида шу усуллар бўйича мисоллар берилади.

Ўртача арифметик кўрсаткич ( $x$ ), дисперсия ( $C$ ). Стандартга нисбатан оғиш ( $C$ ), вариация коэффиценти ( $B$ ), ўртача танламанинг мутлоқ хатоси ( $C_x$ ) ва уни нисбий ( $C_x\%$ ) микдор ўзгарувчанлигининг асосий статистик тавсифи ҳисобланади. Умуман олганда, ўртача арифметик курсаткич ( $x$ ), ҳамма йигиндиларни ўзида умумлаштирилган мавҳум таърифdir.

$$X = \frac{\Sigma x}{n} =$$

Агар ҳамма вариантлар ( $X_1 + X_2 + X_3 + \dots$ ) йигиндисини  $\Sigma x$  билан ва қайтариқлар сони билан белгиласак, у вақтда ўртача арифметик кўрсаткични қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

Дисперсия ва стандартдан оғиш бирор белги ўзгарувчанлиги ёки тарқоқлигининг асосий ўлчови ҳисобланади.

$$S^2 = \frac{\Sigma (x - \bar{x})^2}{n}$$

Фарқлар квадрат йигиндисига бўлишдан олинган курсаткич дисперсия ( $C$ ) ҳисобланади.

Дисперсия ( $C$ ) ни илдиз остидан чиқариш йўли билан стандартга нисбатан оғиш аниқланади:

$$V = \frac{S}{\bar{n}} = 10\%$$

Стандартга нисбатан оғиши күрсаткичини ўртача арифметик қийматыга бўлиш орқали фоизда ифодаланувчи ўзгарувчанлик коэффиценти ( $V$ ) топилади.

Агар ўзгарувчанлик коэффиценти 10% дан ошмаса у аҳамиятсиз, ўртача 20% дан ортиқ бўлса аҳамиятли деб қабул қилинган.

Танламанинг ўртача хатоси танламанинг стандартдан ўртача оғиши күрсаткичи  $C$  га тўғри пропорционал бўлиб, у ўлчовлар сони квадрат илдиз остидан чиқкан сонга тескари пропорционалдир.

$$S_x = \frac{S}{\bar{n}} = \frac{S_x}{n}$$

Фоиз билан ифодаланувчи ўртачадан танлама ҳатолиги танламанин гўртача нисбий хатоси ҳисобланади.

$$S_x = S \cdot x \cdot 100\%$$

Баъзан кўрсаткичлар  $P$  билан белгилаб уни тажриба аниқлиги деб ҳам аталади. Агар  $P$  3% дан кам бўлса, аниқ 5% дан кам бўлса йўл қўйиш мумкин, гарчи аниқлик 7-8% га teng ва ундан юқори бўлса ноаниқ ҳисобланади ва тажриба яроқсизга чиқарилади. Белгилар ўзгарувчанлиги орасидаги мавжуд фарқ даражаси билан ифодаланади. Агар  $\Phi_{x_{ак}}$ ,  $\Phi_{x_{наз.}}$  бўлса, солиширилаётган дисперсиялар орасидаги фарқ мавжуд, бордию Агар  $\Phi_{x_{ак.}}$ ,  $\Phi_{x_{наз.}}$  Бўлса фарқ мавжуд эмас, у вақтда солишириладиган дисперсиялар орасидаги тенглик ҳақидаги «О» назарияси ман этилади.  $\Phi$  нинг назарий қиймати 2-жадвалдан топилади.

### 1-жадвал

#### Ишончлилик даражаси 5% бўлганда $F$ нинг қиймати

Дисперсия коддиги учун эркин даражага сони	Катта дисперсия учун эркинлик даражага сони (сурати)									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
6	5,99	5,14	4,76	4,53	4,59	4,23	4,21	4,15	4,10	4,00
7	5,59	4,74	4,35	4,12	3,97	3,87	3,79	3,73	3,33	3,63
8	5,32	4,46	4,06	3,84	3,69	3,58	3,50	3,44	3,39	3,34
9	5,12	4,26	3,86	3,63	3,48	3,57	3,29	3,23	3,18	3,13
10	4,96	4,10	3,71	3,48	3,33	3,20	3,14	3,07	3,02	2,97
11	4,84	3,98	3,59	3,36	3,20	3,09	3,01	2,95	2,90	2,86
12	4,75	3,88	3,49	3,26	3,11	3,00	2,92	2,85	2,80	2,76
13	4,64	3,80	3,41	3,18	3,02	2,92	2,84	2,77	2,72	2,67

14	460	3,74	3,34	3,11	2,96	2,35	2,77	2,70	2,65	2,60
15	4,54	3,60	3,29	3,06	2,90	2,79	2,70	2,64	2,59	2,55
16	4,49	3,63	3,24	3,01	2,85	2,74	2,66	2,59	2,54	2,49
17	4,45	3,59	3,20	2,96	2,77	2,70	2,62	2,55	2,50	2,45
18	4,41	3,55	3,16	2,93	2,81	2,66	2,58	2,51	2,46	2,41
19	4,38	2,52	3,13	2,90	2,74	2,63	2,55	2,48	2,43	2,38
20	4,35	3,49	3,10	2,87	2,71	2,60	2,52	2,45	2,40	2,35
21	4,35	3,47	3,07	2,74	2,68	2,57	2,49	2,42	2,37	2,32
22	4,30	3,44	3,05	2,82	2,66	2,55	2,47	2,38	2,32	2,28
23	4,28	3,42	3,03	2,80	2,64	2,53	2,45	2,38	2,32	2,28
24	4,26	3,40	3,01	2,78	2,62	2,51	2,43	2,36	2,30	2,26

### 3.2. Энг кам фарқ мавжудлигини аниқлаш. Ўртачалар фарқи қийматини баҳолаш.

Агар тажрибада вариант бўлса, ўртачалар орасидаги фарқни аниқлаш мумкин, бунда фарқлар аҳамиятли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. НСР<sub>05</sub>=цд критерияси (кўрсаткичи) икки танлама ўртачасининг чекланган хатосини кўрсатади. Агар ҳақиқий фарқ бўлса фарқ мавжуд (бор), аҳамиятли, агар д>НСР бўлса мавжуд эмас ва у аҳамиятсиз.

НСРни аниқлаш учун дисперсия таҳлили (анализ)га асосан уни қуийдагича ифодалаймиз:

#### 2-жадвал

##### 5, 4 ва 1% эҳтимоллик даражаларида НСР нинг қиймати

Эркинлик даражаси	Эҳтимоллик даражаси 0,05 (0,95)    0,01 (0,99)		Эркинлик даражаси	Эҳтимоллик даражаси 0,05 (0,95)    0,01 (0,99)	
6	2,45	3,71	16	2,12	2,92
7	2,35	3,50	17	2,11	2,90
8	2,31	3,36	18	2,10	2,88
9	2,26	3,25	19	2,09	2,86
10	2,23	3,17	20	2,09	2,85
11	2,20	3,11	21	2,08	2,83
12	2,18	3,06	22	2,07	2,82
13	2,16	3,01	23	2,07	2,81
14	2,15	2,98	24	2,06	2,80
15	2,13	2,95	25	2,06	2,79

Энди Б.А.Доспехов усули бўйича тажрибадан олинган маълумотлар статистик ишловчиларидан мисоллар келтирамиз.

Бир йиллик дала тажарибасидан олинган маълумотларга қуидаги формулалар билан статистик ишлов берилади.

### 3-жадвал

#### Дисперцион тахлил

Дисперция	Квадратлар йигиндиси	Эркинлик даражаси	Ўртча квадрат	$F_{\phi}$	$F_{05}$
умумий С					
қайтариқлар					
вариантлар С					
қолдик С					
(Хато)					

1-мисол. Тажрибадан олинган маълумотларни дисперцион тахлил қилинганда НСР<sub>05</sub> ни аниқланг ва навларни стандарт гурухларга ажратинг, «О» гипотезаси (бу навлар орасида фарқ йўқ демакдир). Ўзга навларининг ҳосилдорлиги, ц/га.

### 4-жадвал

#### Ҳосилдорлик маълумотлари, ц/га

Вариант навлари	Қайтариқлар				Йигинди	Ўртча
	I	II	III	IV		
A	47,8	46,9	45,4	44,1	184,2	46,0
Б	53,7	50,3	50,6	48,0	202,6	50,6
В	46,7	42,0	43,4	40,7	172,8	43,2
Г	48,0	47,0	45,9	45,7	186,6	46,6
Д	41,8	40,0	43,0	41,6	166,4	41,6
йигинди	238,0	226,2	228,3	220,1	912-x	45,6-x

Ҳисоб-китоблар тўғилиги шу тенглама билан текширилади.

Ечиш: 4-жадвалда йигинди ва ўртча аниқланади.

2) Ўртачадан оғишлар квадратлари йигиндисини ҳисоблаш учун 4-жадвалдаги бошланғич маълумотларни  $X_1-X-A$  тенгламасига мувофиқ қайта ҳисоблаб ўртачадан фарқлар топилади. Бунинг учун А нинг қийматини X га яқин бўлган сон – 45 га teng қилиб олинади. Ҳисоблаш натижаларини 5-жадвалга ёзамиз.

Хисоб-китобларнинг тўғрилигини тенгламаси билан текшириб кўрамиз.

### 5-жадвал

#### Ўртача ҳосилдорликдан фарқи

вариантлар (навлар)	X - 45				йигинди
	I	II	III	IV	
A	2,8	1,9	0,4	-0,9	4,2
Б	8,7	5,3	5,6	3,0	22,6
В	1,7	-3,0	-2,6	-4,3	-8,2
Г	3,0	2,0	0,9	0,7	6,6
Д	-3,2	-5,0	-2,0	-3,4	-13,6
йигинди	<b>13,0</b>	<b>1,2</b>	<b>2,3</b>	<b>-4,9</b>	<b>11,6</b>

Фарқлар квадратлари йигиндиси қўйидаги тартибда ҳисобланади: кузатишларнинг умумий сони  $N = 5 \times 4 = 20$  корректировчи омил  $C =$  квадратларнинг умумий йигиндиси  $\text{Сум} = (11,6)^2 : 20 = 6,73$ ;

Энди дисперсия таҳлили жадвалини тўлдирилади.

### 6-жадвал

#### Дисперсия таҳлили натижалари

Дисперсия	Квадратлар йигиндиси	Эркинлик даражаси	Ўртача квадрат	$F_{\Phi}$	$F_{\text{наз.}}$
Умумий С	246,67	19	-	-	-
Қайтариқлар	33,13	3	-	-	-
Вариантлар	194,25	4	48,56	30,35	3,26
Қолдик	19,29	12	1,60	-	-
(Хато)					

$F_{\text{наз.}}$  қиммати варианtlар дисперсиясининг эркинликни 4 даражаси учун 2 жадвал сурати ва дисперсия хатоси 12 ни маҳраждан оласиз.

Тажриба варианtlари орасида аҳамиятга эга бўлган фарқ бор. Агар фарқ бўлса бундан кейинги статистик ишловга ҳолат қолмайди, чунки варианtlар ҳосили орасидаги фарқ ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Шундан фарқ мавжудлигини баҳолаш ва варианtlар (навлар) ни гурухлаш учун тажриба хатоси, ўртача фарқ хатосини аниқлаш НСР<sub>05</sub> ни мутлоқ ва нисбий сонларда ҳисоблаш керак:

- тажриба хатоси;

- ўртача фарқ хатоси;
- НСР<sub>05</sub> мутлоқ сонда – НСР<sub>05</sub>;
- НСР<sub>05</sub> нисбий сонда – НСР<sub>05</sub> ни назарий қиймати 12 эркинлик даражаси 3-жадвалдан олинади. Тажриба ва статистик ишловлар натижалари 8-жадвалга ёзилади.

### 7-жадвал

#### Хосилдорлик

вариантлар (навлар)	хосилдорлик	стандартдан фарқи		гурух
		ц/га	%	
A	46,0	-	-	-
Б	50,6	4,6	10,0	1
В	43,2	- 2,8	-6,1	11
Г	46,6	0,6	1,3	11
Д	41,1	- 4,4	-9,6	111
НСР – 0,5		2,0	4,38	

**Хулоса:** Б нави стандартга нисбатан ҳақиқатдан юқори (1-гурух).

В ва Д навлари эса мутлоқ орқада (111-гурух).

Г нави стандарт навга нисбатан аҳамиятсиз фарққа эга холос.

### 2-мисол: Ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба маълумотларини ишлаш. Ноль гипотезаси

### 8-жадвал

#### Пахта ҳосили (ц/га)

вариантлар	хосилдорлик				йигинди	ўртacha	контролда фарқи
	I	II	III	IV			
ўғитсиз (контр)	20,5	20,2	22,0	23,3	86,0	21,5	+
N – 120	34,8	35,1	36,7	37,0	143,6	35,9	+ 144,4
H – 120, P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> – 150	36,5	37,4	37,6	38,1	149,6	37,4	+ 15,9
H – 120, P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> – 90	37,8	38,2	38,9	40,3	155,2	38,8	+ 17,3
<b>Йигинди Р</b>	<b>129,6</b>	<b>130,9</b>	<b>135,7</b>	<b>138,7</b>	<b>534,4</b>	<b>33,4</b>	

### Масалани ечиш:

- 1) жадвалда йиғинди ва ўртача ҳисобланади;
- 2) квадрат йиғиндисини топиш учун шартли равишида ўртача  $X$  га яқин 30 ни оламиз  $A$  деб ва бошлангич сонларни  $X-X - A$  нисбатан ўзгартириб оламиз. Ўзгартирилган сонлар ва уларнинг квадратларини 10-жадвалга ёзамиз.

**9-жадвал**

### Оғишлар ва уларнинг квадратлари

Вариантлар	$X_1 = X - 30$				Йиғинди	$X_1^2$				Йиғинди
	I	II	III	IV		I	II	III	IV	
1	9,5	9,8	8,0	6,7	34,0	90,3	96,0	64,0	44,9	1156,0
2	4,8	5,1	6	7,0	23,6	23,0	26,0	44,9	49,0	557,0
3	6,5	7,4	7,6	8,1	29,6	42,3	54,8	57,8	65,6	876,2
4	7,8	8,2	8,9	10,2	35,2	60,8	67,2	79,2	106,1	1239,0
йигин.	<b>9,6</b>	<b>10,9</b>	<b>15,2</b>	<b>18,7</b>	<b>X-54,4</b>	<b>P92,2</b>	<b>118,8</b>	<b>231,0</b>	<b>349,7</b>	

Шундан кейин оғишлар квадратларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Кузатишлиар сони  $N = e$

Корректиловчи омил  $C = A$

Бу вақтда фарқлар квадратларининг йиғиндиси: Дисперсия таҳлили натижалари куйидаги жадвалга ёзилади.

**10-жадвал**

### Дисперсия таҳлили натижалари

Дисперсия	Квадратлар йиғиндиси	Эркинлик даражаси	Квадратлар ўртачаси	$F_{хак.}$	$F_{наз.}$
Умумий	786,9	15			
Қайтариқлар	12,9	3			
Вариантлар	772,5	5	257,5	1515	3,63
Қолдик	1,5	9	0,17		

Бундан кўриниб турибидики, тажриба вариантылари орасида жуда катта фарқ бор, чунки  $F_{хак.} < F_{наз.}$  ва ноль гипотезаси (назарияси) ман этилади.

1. Хусусий фарқнинг мавжудлигини баҳолаш учун тажриба хатолигини (О ўртача фарқ хатоси ) ва НСР – 0,5 ни мутлоқ ва нисбий сонларда аниқлаймиз.

Тажриба хатоси \_\_\_\_\_

Фарқнинг хатоси \_\_\_\_\_

НСР<sub>05</sub> мутлоқ сонда \_\_\_\_\_

НСР (нисбий сонда) нинг қийматини 9 эркинлик даражаси учун

3-жадвалдан оламиз. V=2,3 га тенг.

### **11-жадвал**

#### **Тажриба маълумотларини статистик ишлаш натижалари.**

вариантлар	Хосил	стандартдан фарқи	
		ц/га	%
1	21,5	-	-
2	35,9	14,4	66,9
3	37,4	15,9	74,6
4	38,8	17,3	80,4
НСР – 0,5	-	0,64	1,91

**Хуноса:** тажриба варианти орасида ҳосилдорлик бўйича фарқлар юкори ишончга эга ўғитларни нисбати яхши натижа берар экан.

### **12-жадвал**

#### **Тажрибада пахта ҳосилдорлиги, ц/га**

